

## Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМА

“14” 01 2022 йил

№ 15341-Б сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали номидан, Ишончнома асосида фаолият юритувчи, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиали бошқарувчиси Б.Б.Шамсутдинов (кейинги ўринларда “Буёртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

#### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буёртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буёртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### 2-боб. Умумий шартлар

2. Буёртмачи объектни кўриқлашга топширади ва “Кўриқлаш” эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси 7-АБ 2-отряд шахсий таркиби орқали 1 та 8 соатлик (соат 09.00 дан 18.00 га қадар, тушлик соат 13:00дан 14:00га қадар, дам олиш шанба, якшанба ва байрам кунлари) саф бўлинмаси пости билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 14-мавзе, 14/3-уйда жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чилонзор филиалига қарашли Банк хизматлари марказини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буёртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буёртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буёртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда \_\_\_ иш куни ичида саф бўлинмаси кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга \_\_\_ иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буёртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.